



**XORIJY ARMIYALARDA AXLOQIY-RUHIY TAYYORGARLIKKA BO'LGAN
YONDASHUVLAR**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10372435>

Lixanov Vladimir Olegovich

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari

Akademiyasi kafedra katta o'qituvchisi

E-mail:lixanov@inbox.ru

ANNOTATSIYA

ushbu maqolada xorijiy armiyalarda axloqiy-ruhiy tayyorgarlikka bo'lgan yondashuvlar hamda jahondagi yetakchi mamlakatlarning qurolli kuchlar shaxsiy tarkibining yuksak axloqiy-ruhiy holatini ushlab turishni milliy xavsizlikni ta'minlash sohasining ustuvor yo'nalishlari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar

xorij, harbiy, jahon, axloqiy-ruhiy, mamlakat, armiya, harbiy-kasbiy, mutaxassis.

АННОТАЦИЯ

данная статья освещена о морально-духовной подготовке в иностранных армиях и приоритетных направлениях в области обеспечения национальной безопасности, поддержания высокого морально-духовного состояния личного состава вооруженных сил ведущих стран мира.

Ключевые слова

зарубежный, военный, мир, морально-духовный, страна, армия, военно-профессиональный, специалист.

ABSTRACT

this article covers moral and spiritual training in foreign armies and priority areas in the field of ensuring national security, maintaining a high moral and spiritual state of personnel of the armed forces of the leading countries of the world.

Key words

foreign, military, peace, moral and spiritual, country, army, military professional, specialist.



Jahondagi yetakchi mamlakatlarning harbiy-siyosiy rahbariyati qurolli kuchlar shaxsiy tarkibining yuksak axloqiy-ruhiy holatini ushlab turishni milliy xavsizlikni ta'minlash sohasining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida ko'radi.

Har bir davlat armiyasida harbiy xizmatchilarning axloqiy-ruhiy tayyorgarligi turlicha olib boriladi. Jumladan, Amerika va Rossiyada bu jarayon asosan jangovar va jismoniy tayyorgarlik davomida maxsus o'quv markazlar va dala mashg'ulotlarida olib boriladi. Buyuk Britaniyada asosiy e'tibor tanlov asosida saralash va harbiy-kasbiy o'quv jarayoniga qaratiladi (ma'lumot uchun: britaniya armiyasi ixtiyoriy-shartnoma asosidagi harbiy xizmatchilardan tuzilgan). Germaniyada axloqiy-ruhiy tayyorgarlik olib borish uchun eng qulay vaqt bu bo'linma va qismlarni jangovar jipslashtirish davridir. Yaponiya "O'z o'zini mudofaa qilish kuchlari" da askar va ofitserlar xizmatining barcha bosqichlarida, ayniqsa mashqlar va manyovrlar davrida amaliy bajariladi.

Harbiy mutaxassislarning fikriga ko'ra, shaxsiy tarkibning axloqiy-ruhiy holatini ko'tarishga ta'sir qiluvchi asosiy omillar qatoriga quyidagilar kiradi: davlatning harbiy-sanoat salohiyatini yuksaltirish va mustahkamlash hamda zamonaviy harbiy-siyosiy vaziyat talablari va mamlakat milliy havfsizligini ta'minlash darajasida ushlab turish;

intellekt, jismoniy kuch va harbiy xizmat uchun kuchli motivatsiya. Hujjatda an'naviy axloqiy-ruhiy va axloqiy-estetik me'yorlarni singdirishning amaliy mexnazmi ishlab chiqilgan bo'lib, ushbu yondashuv moddiy rag'batlantirish tamoyillari bilan chambarchas holatda harbiy xizmatchilarning ruhi va ongiga ta'sir o'tkazadi.

Undan tashqari, axloqiy-ruhiy tayyorgarlikda samarali va aniq bir maqsadga erishish uchun G'arb davlatlari armiyalarida maxsus tashkilotlar tuzilgan bo'lib, ular ushbu tayyorgarlik ustidan nazoratni amalga oshirishadi. Shu bilan birga, tashkilot vakillari ana shunday tayyorgarlikni amalga oshirishning shakl va metodlarini ofitser va serjantlarga ham o'rgatish bilan shug'ullanishadi.

G'arb davlatlari harbiy mutaxassislarning ushbu tayyorgarlikka o'z qarashlari mavjud bo'lib, ularning fikriga ko'ra, axloqiy-ruhiy tayyorgarlik tushunchasi quyidagilarni o'z ichiga qamrab oladi: axloqiy ruhni shakllantirish; siyosiy ta'lim; shaxsiy tarkibni jangovar harakatlarni olib borishga jismoniy tayyorligi.

Axloqiy-ruhiy tayyorgarlik quyidagilarga javob berishi kerak:

birinchidan, axloqiy-jangovar sifatlarni shakllantirish uchun ushbu tayyorgarlikning bor imkoniyatidan foydalanish va har tomonlama qamrab olishi shart. Har tomonlama qamrab olishiga, ofitserlar va askarlarga ta'sir qilishning zamonaviy usul va uslublarini, harbiy psixologlar va sotsiologlar ishlab chiqqan eng so'nggi metodlarini, mashg'ulotlar o'tkazishning eng yangi shakllarini qo'llash orqali erishiladi;



ikkinchidan, axloqiy-ruhiy tayyorgarlik real bo'lishi kerak. Bunga erishish uchun ushbu tayyorgarlik alohida ishlab chiqilgan rejaga asosan, maxsus jihozlangan dala o'quv maydoni va o'quv markazlarida, jangovar vaziyatni real holatini yaratish bo'yicha barcha texnik vositalar imkoniyatidan foydalanish zarur;

uchinchidan, samaralilik. Buning uchun harbiy xizmatchilar qisqa tayyorgarlikdan so'ng jang olib borishga qobiliyatli bo'lishiga erishish zarur;

to'rtinchidan, tizimlilik. Maxsus tadbirlarni tashkillashtirish va o'tkazishda bosqichma-bosqichlik va mantiqiliylikka erishish kerak;

beshinchidan, tayyorgarlik industrial xarakter kasb etishi kerak. Bunda uning bajarilishi, zamonaviy harbiy texnika va qurollar imkoniyatlariga moslashtirilgan sifat darajasiga muvofiqligini anglatadi.

Shuningdek, qurolli kuchlar shaxsiy tarkibining axloqiy-ruhiy holatiga ta'sir ko'rsatuvchi salbiy xususiyatlar quyidagilardan iborat:

ma'naviy-axloqiy tarbiyaning pasayishiga sabab bo'luvchi haddan tashqari moddiy rag'batlantirishga kiziqish;

dushmanni nazarga ilmaslik, o'z kuchini ortiqcha baholash;

jangovar xarakterlar jarayonida tashabbuskorlikni yo'qotish;

irqiy bid'atlar, individualizmning namoyon bo'lishi, shuhratparaslik, munosabatlarda ziddiyat borligi;

spirtli ichimliklar, narkotik moddalarni suiiste'mol qilish kabilardir.

Shuningdek, shaxsiy tarkibning axloqiy-ruhiy tayyorgarligining asosiy yo'nalish va uslublarini quyidagicha belgilashadi:

realistik qiyofani, harakatlar taktikasini, ehtimoliy dushmanning jangovar imkoniyatlarini modelini tuzish;

harbiy xizmatchilarni jangovar harakatga bo'lajak jang harakatlari mintaqasining tabiiy-geografik va havo-iqlimi sharoitida tayyorlash;

zamonaviy jangni real modelini ko'p qirrali ko'rinishini tuzish;

jangovar o'quv jarayonida jismoniy va ruhiy zo'riqishni zamonaviy jang uchun xarakterli xususiyatini yaratish;

harbiy bo'linmaning jipsligi, ularda bir-birini qo'llash va o'zaro yordam munosabatlarini shakllantirish;

harbiy xizmatchilarda jangovar stress-omillarini psixotexnik usullar yordamida oldini olishning imkoniyatlarini kengaytirish kabilardir.

Odatda, harbiy xizmatchilarni axloqiy-ruhiy tayyorgarligini quyidagi o'ziga xos stsenariy asosida tashkillashtirishadi.

Buning birinchi bosqichida, odatda o'ziga xos psixoterapiyani amalga oshiradi.

Bu degani o'qitish jarayonida ataylab shunday sharoit yaratiladiki, u harbiy xizmatchilarda salbiy psixologik holat keltirib chiqaradi. Jangovar vaziyatga yaqin



holatga tushganda askar ko'pincha o'z kuchiga bo'lgan ishonchini yo'qotadi, loqayd va depressiya holatigi tushadi, unda qo'rquv xissi tug'iladi. Ko'pincha bunday holatda bosh aylanishi, ko'ngil aynishi, qo'l-oyoqlarining uvishib qolishi kabi

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:

1. N.Makiavelli Voyennoye iskusstvo.http://militera.lib.
2. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.
3. Ф. Умаров. Развитие профессиональной компетентности будущих офицеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.01 – теория педагогики. История педагогических наук Ташкент - 2021.
4. А.Svechin. Evolyutsiya voyennogo iskusstva. Uolker. Chingiz-xan. Rostov-na-Donu: 1998. 210 s.

ХОРИЖИЙ АРМИЯЛАРДА АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАР

Лиханов Владимир Олегович

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

Академияси кафедра катта ўқитувчиси

E-mail:lixanov@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хорижий армияларда ахлоқий-руҳий тайёргарликка бўлган ёндашувлар ҳамда жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг қуролли кучлар шахсий таркибининг юксак ахлоқий-руҳий ҳолатини ушлаб туришни миллий хавсизликни таъминлаш соҳасининг устувор йўналишлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар

хориж, ҳарбий, жаҳон, ахлоқий-руҳий, мамлакат, армия, ҳарбий-касбий, мутахассис.

Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарияти қуролли кучлар шахсий таркибининг юксак ахлоқий-руҳий ҳолатини ушлаб туришни



миллий хавсизликни таъминлаш соҳасининг устувор йўналишларидан бири сифатида кўради.

Ҳар бир давлат армиясида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги турлича олиб борилади. Жумладан, Америка ва Россияда бу жараён асосан жанговар ва жисмоний тайёргарлик давомида махсус ўқув марказлар ва дала машғулотларида олиб борилади. Буюк Британияда асосий эътибор танлов асосида саралаш ва ҳарбий-касбий ўқув жараёнига қаратилади (маълумот учун: британия армияси ихтиёрий-шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилардан тузилган). Германияда ахлоқий-руҳий тайёргарлик олиб бориш учун энг қулай вақт бу бўлинма ва қисмларни жанговар жипслаштириш давридир. Япония “Ўз ўзини мудофаа қилиш кучлари”да аскар ва офицерлар хизматининг барча босқичларида, айниқса машқлар ва манёврлар даврида амалий бажарилади.

Ҳарбий мутахассисларнинг фикрига кўра, шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини кўтаришга таъсир қилувчи асосий омиллар қаторига қуйидагилар киради: давлатнинг ҳарбий-саноат салоҳиятини юксалтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда замонавий ҳарбий-сиёсий вазият талаблари ва мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш даражасида ушлаб туриш;

интеллект, жисмоний куч ва ҳарбий хизмат учун кучли мотивация. Ҳужжатда анънавий ахлоқий-руҳий ва ахлоқий-эстетик меъёрларни сингдиришнинг амалий меҳназми ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ёндашув моддий рағбатлантириш тамойиллари билан чамбарчас ҳолатда ҳарбий хизматчиларнинг руҳи ва онгига таъсир ўтказади.

Ундан ташқари, ахлоқий-руҳий тайёргарликда самарали ва аниқ бир мақсадга эришиш учун Ғарб давлатлари армияларида махсус ташкилотлар тузилган бўлиб, улар ушбу тайёргарлик устидан назоратни амалга оширишади. Шу билан бирга, ташкилот вакиллари ана шундай тайёргарликни амалга оширишнинг шакл ва методларини офицер ва сержантларга ҳам ўргатиш билан шуғулланишади.

Ғарб давлатлари ҳарбий мутахассисларининг ушбу тайёргарликка ўз қарашлари мавжуд бўлиб, уларнинг фикрига кўра, ахлоқий-руҳий тайёргарлик тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: ахлоқий руҳни шакллантириш; сиёсий таълим; шахсий таркибни жанговар ҳаракатларни олиб боришга жисмоний тайёрлиги.

Ахлоқий-руҳий тайёргарлик қуйидагиларга жавоб бериши керак:

биринчидан, ахлоқий-жанговар сифатларни шакллантириш учун ушбу тайёргарликнинг бор имкониятидан фойдаланиш ва ҳар томонлама қамраб олиши шарт. Ҳар томонлама қамраб олишига, офицерлар ва аскарларга таъсир қилишнинг замонавий усул ва услубларини, ҳарбий психологлар ва



социологлар ишлаб чиққан энг сўнгги методларини, машғулотлар ўтказишнинг энг янги шаклларини қўллаш орқали эришилади;

иккинчидан, ахлоқий-руҳий тайёргарлик реал бўлиши керак. Бунга эришиш учун ушбу тайёргарлик алоҳида ишлаб чиқилган режага асосан, махсус жиҳозланган дала ўқув майдони ва ўқув марказларида, жанговар вазиятни реал ҳолатини яратиш бўйича барча техник воситалар имкониятидан фойдаланиш зарур;

учинчидан, самаралилик. Бунинг учун ҳарбий хизматчилар қиска тайёргарликдан сўнг жанг олиб боришга қобилиятли бўлишига эришиш зарур;

тўртинчидан, тизимлилик. Махсус тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказишда босқичма-босқичлик ва мантиқийликка эришиш керак;

бешинчидан, тайёргарлик индустриал характер касб этиши керак. Бунда унинг бажарилиши, замонавий ҳарбий техника ва қуроллар имкониятларига мослаштирилган сифат даражасига мувофиқлигини аниқлатади.

Шунингдек, қуролли кучлар шахсий таркибининг ахлоқий-руҳий ҳолатига таъсир кўрсатувчи салбий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

маънавий-ахлоқий тарбиянинг пасайишига сабаб бўлувчи ҳаддан ташқари моддий рағбатлантиришга кизиқиш;

душманни назарга илмаслик, ўз кучини ортиқча баҳолаш;

жанговар ҳаракатлар жараёнида ташаббускорликни йўқотиш;

ирқий бидъатлар, индивидуализмнинг намоён бўлиши, шухратпараслик, муносабатларда зиддият борлиги;

спиртли ичимликлар, наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш кабилардир.

Шунингдек, шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлигининг асосий йўналиш ва услубларини қуйидагича белгилашади:

реалистик қиёфани, ҳаракатлар тактикасини, эҳтимолий душманнинг жанговар имкониятларини моделини тузиш;

ҳарбий хизматчиларни жанговар ҳаракатга бўлажак жанг ҳаракатлари минтақасининг табиий-географик ва ҳаво-иқлими шароитида тайёрлаш;

замонавий жангни реал моделини кўп қиррали кўринишини тузиш;

жанговар ўқув жараёнида жисмоний ва руҳий зўриқишни замонавий жанг учун характерли хусусиятини яратиш;

ҳарбий бўлинманинг жипслиги, уларда бир-бирини қўллаш ва ўзаро ёрдам муносабатларини шакллантириш;

ҳарбий хизматчиларда жанговар стресс-омилларини психотехник усуллар ёрдамида олдини олишнинг имкониятларини кенгайтириш кабилардир.



Одатда, ҳарбий хизматчиларни ахлокий-руҳий тайёргарлигини қуйидаги ўзига хос сценарий асосида ташкиллаштиришади.

Бунинг биринчи босқичида, одатда ўзига хос психотерапияни амалга оширади. Бу дегани ўқитиш жараёнида атайлаб шундай шароит яратиладики, у ҳарбий хизматчиларда салбий психологик ҳолат келтириб чиқаради. Жанговар вазиятга яқин ҳолатга тушганда аскар кўпинча ўз кучига бўлган ишончини йўқотади, лоқайд ва дэпрессия ҳолати тушади, унда кўрқув хисси туғилади. Кўпинча бундай ҳолатда бош айланиши, кўнгил айланиши, қўл-оёқларининг увишиб қолиши каби

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Сунь-Цзы. Искусство войны. <http://militera.lib.ru/science/sun-tszy/index.html>.
2. Н.Макиавелли Военное искусство. <http://militera.lib.ru>.
3. К.Клаузевиц О войне. <http://militera.lib.ru/science/classwitz/index.html>.
4. А.Суворов Наука Побеждать. http://militera.lib.ru/files/Suvorov_Nauka_pobezhdat.pdf.
5. А.Свечин. Эволюция военного искусства. Уолкер. Чингиз-хан. Ростов-на-Дону: 1998. 210 с.